

Пудрат шартномаси №21

2022 йил 27 июл

Нурафшон шаҳар

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор А.Хайдаров бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилган “BIG HOUSE INVEST” МЧЖ қурилиш ва таъмирлаш корхонаси номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи директор М.Неков иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қўлланилади:

«ижро ҳужжатлари»: — натура шаклида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини, ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

«қурилиш майдони»: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

«вақтинчалик ишлар»: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатилган ва ишлар бажариш учун зарур бўлган ҳар хил типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

«беркитилган ишлар»: — сифати ва яқинлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартномани нархини бўлиб чиқини: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома предмети.

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ «Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги несеқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратини, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишлар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома баҳоси.

3.1 Мазкур шартнома таълиф комиссиясининг 2022 йил 22 июлдаги 121477-сонли лот бўйича электрон баёнига билан " BIG HOUSE INVEST " МЧЖ бириктирилиб, мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати ККС билан **324 809 927 (уч юз йигирма тўрт миллион саккиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма етти)** сўми ташкил этади.

3.2 Тегишли асоелар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

4.1 Пудратчи мазкур шартноманинг 3.1-бўлимида назарда тутилган ишларни иншоот (объект) нархидаги ишларни энг камидан 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш.

4.2 Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ишларни далолатномалар асосида тошинириш;

4.3 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

4.4 Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

4.5 Буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардоқ қилиш;

4.6 Қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

4.7 Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-усқуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, қурилиш буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

4.8 Қурилиш майдонини кўриқланишини таъминлаш;

4.9 Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техника-хафсизлиги қоидалари ва карантин қоидалари билан таништириш, таъминлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.9.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50% дан кўп бўлмаган) бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавобгар ҳисобланади.

4.9.2 Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга киришади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари.

5.1 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома асосида Пудратчига топшириш;

5.2 Қурилиш ишлари бажарилиши устидан доимий техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа вазифаларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3 Пудратчидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

5.4 Молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига мазкур шартномага 2-сонли иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5 Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

5.6 Пудратчига шартномада келишилган тўловларни объектни молиялаштирилиш бўйича Манзилли рўyxати тасдиқлаиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўyxатдан ўтгандан кейин амалга оширади.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1 Шартнома миллий валюта (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, бироқ кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўм)да ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўyxатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага 1-сонли илова ишларни бажариш жадвалига мувофиқ, Буюртмачидан хабарнома олган ва пудрат шартномаси томонлар иштирокида имзоланган санадан ёки қурилиш майдони қабул қилиб олинган куннинг эртасидан бошлаб объектда қурилиш-монтаж ишларини бажаришга киришади.

6.3. Электрон танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилиш ишлари бошланган кундан эътиборан 35 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) рўyxатдан ўтгандан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида аванс ўтказилади, бу жами **97 442 978,10 (тўксон етти миллион тўрт юз қирқ икки миң тўққиз юз етмиш саккиз сўм)** ўн тийини сўмини ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95% доирасида амалга оширилади, бу **308 569 430,65 (уч юз саккиз миллион беш юз олтинчи тўққиз минг тўрт юз ўттиз сум) олтинчи беш тинини** ташкил этади.

7.4. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати ўтганидан сўнг йил якунига қадар ишлар қийматининг 5% гача миқдорида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишига топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - Техник аудиторини тайинлайди, техник аудитор Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз таъмининг ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи Техник аудиторни ишларни учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда иштирок этади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда таъмин этади.

8.5. Пудратчи объектда қурилиш ишларни олиб бориш тартибини Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга рўя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни, техника хавфсизлигини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини берни тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни топширади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини топшириш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгиланган бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганини учун жавобгар ҳисобланади. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатоликлар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

8.9.1. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиш схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома асосида Буюртмачига беради.

8.9.2. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.9.3. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик

бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга, ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9.4. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.9.5. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан мазкур конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларда беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.9.6. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги босқич бошқа ишларни бажаришга киришади.

8.9.7. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исланган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.9.8. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига қоплайди.

8.9.9. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини суғуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.1.0. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарида, юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг шундан чиқиб тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунча қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Битказилган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган кучлар натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шартнома мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаноиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бир томонлама бекор қилишининг талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тартиби.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

Пудратчи:

12.1 Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

12.2 Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

12.3 Пудратчи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4 Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

12.5 Объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.6. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати жорий йилнинг декабр ой этиб белгиланади.

12.7. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттиришни имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.8. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган таъдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини иттифоқчи этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

Буюртмачи:

13.1 Мазкур шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2 Ишларни тугатилишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолларда;

13.3 Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

13.4 Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи:

13.5 Ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

13.6. Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда ва қон ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга 3 кун олдиндан ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома тарафларининг бирортасини айби билан бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

14.1. Томонлардан бири шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

14.2. Мазкур шартномага тегишли шловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.4 % миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўлашни тарафларни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган ишлар суммасининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартномада белгиланган жами муддатининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш метёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортишни, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жавобгарлик чораларидан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни ҳам қоплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув асосида ҳал этадилар. Келишувга эришилмаган тақдирда низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар.

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатини, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига оғиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

16.8. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради, бироқ, ушбу объектнинг молиялаштирилиши бўйича Буюртмачининг мажбурияти Манзилли руйхати тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан (электрон) руйхатдан ўтгандан кейин кучга киради.

16.9. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари.

Буюртмачи:

Тошкент вилояти ҳудудий филиали “Қўл
хонадонли уйларни мукаммал ва жорий
таъмирлаш ҳамда пестежик таъминоти
объектларини қуриш бўйича ширкиннинг
компанияси” ДУК

Тошкент в Нурафшон ш Тошкент йули 32

Марказий банк Бош бошқармаси

МФО: 00014, ИНН: 307905631

ОКЭД 43220

ХР 100021860274017043700110005

Маия Вазирлиги Ғазначилиги

л/с 23402000300100001010

Директор



А.Халидаров

Юрист

А.Қаримов

Пудрат ташкилот:

“BIG HOUSE INVEST”
МЧЖ

Бухоро вилояти Бухоро шаҳри А.Борбаид
56 уй

Р/С 2020 8000 0009 1648 9001

Ипотека банк Бухоро вил. филиали

МФО 00088 ИНН 305 732 454

Тел.91-402 07-74

Директор



М.Неков

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжинеринг компанияси” тошкент вилояти худудий филиали директори
А.Хайдаров



” июл 2022 йил

«Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекти (121477 лот) бўйича йгилиш

21/1-сон БАЁНИ.

2022 йил 27 июл

Тошкент шаҳри

« Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш »

Йиғилиш раиси:

А.Хайдаров

“Кўп хондонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжинеринг компанияси” Тошкент вилояти худудий филиали директори

Катнашдилар:

А.Юсупов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти худудий филиали умумий бўлими етакчи мутахассиси .

У.Абдушукуров

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти худудий филиали лойиҳаларни техник назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

Ф.Турсунов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти худудий филиали лойиҳаларни техник назорат қилиш бўлими бош мутахассиси

Э.Каримов

“КХУМВЖТХИТОҚБИК” ДУК Тошкент вилояти худудий филиали юристи

КУН ТАРТИБИ:

«Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекти бўйича .

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилиш раиси А.Хайдаров йиғилишни очик деб эълон қилиб 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талаблари асосида «Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекти бўйича танлов савдолари эълон қилинганлиги хақида қисқача маълумот бериб ўтди ва сўз навбатини маркетинг бўлими мутахассиси йиғилиш котиби - Э.Султановга берди. Котиб йиғилиш иштирокчиларига танлов савдоларини ўтказиш жараёни хақида қисқача таништириб ўтди, ҳамда ушбу объект бўйича танлов савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълон, etender.uzex.uz махсус ахборот порталига 2022 йил 13 июнда лоти рақами 121477 эълон берилиб 20 июлда тугаганлиги ва 2 та талабгор ташкилоти катнашиб “BIG HOUSE INVEST” МЧЖ ғолиб бўлганлиги тўғрисида танлов комиссиясининг электроний баённомаси шакллантирилганлиги ва бугунги кунга қадар мазкур лот бўйича ҳеч қандай эътироз бўлмаганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:


1. Муркетинг булими Султанов Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш объекти ҳолиби "BIG HOUSE INVEST" МЧЖ билан 1 кун муддатда шартнома расмийлаштирилсин.
2. Бош ҳисобчи Сайдахрарова "BIG HOUSE INVEST" МЧЖ га 2 кун муддатда белгиланган тартибда молиялаштирилсин.
3. Мазкур баённинг ижросини назорат қилишни уз зиммамда қолдираман

Қатнашди:


А.Юсупов



Ф.Турсунов




У.Абдушукуров



Э.Каримов




Баённома юритди : Э.Султанов



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Тошкент вилоят ҳокимининг
қринбосари



Б.Мелиев

" " 2022 й.

Тошкент вилояти иссиқлик таъминоти қорхоналарининг қозонхона ускуналари ва иссиқлик тизимларини мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича 2022 йил дастлабки
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

млн. сўмда

Т/Р	Объектларнинг номи ва амалга оширилаётган ишлар рўйхати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	шундан			Тошпириш муддати	Экспертиза ҳулосаси рақами ва санаси	Тендер (танлов) натижасига бўйича баённома рақами ва санаси	Пудратташқилот номи	
			Қурилиш-монтаж ишлари	Буюртмачининг бошқа харажатлари						
				жами	Лойиҳа ва экспертиза харажатлари					Шундан буюртмачининг сақлаш харажатлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
1	«Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302метр) капитал таъмирлаш»	353,3	324,8	28,5	18,8	9,74	2022й	50278 07.07.2022	22.07.2022 й 121477 сонли лот бўйича электрон протокол	"BIG HOUSE INVEST"
2	«Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Обод турмуш кўчасидан Ибн-Сино кўчасига булган иссиқлик тармоқларини янгисига алмаштириш»»	1 394,3	1 335,5	58,8	18,8	40,06	2022й	51221 16.07.2022	15.08.2022 й 128200 сонли лот бўйича электрон протокол	"OMAD BARAKA MEGA STROY" MCHJ
3	Чирчик шаҳар Фурқат кўчасида жойлашган "Ўзбекхиммаш" Қозонхонасига тегишли Осипенко 3 уйдан Осипенко 2 уйга борувчи 320 метр узунликдаги иссиқлик қуқурларини янгилаш	644,6	613,6	31,0	18,8	12,27	2022й	45296 03.06.2022	13.07.2022 й 116811 сонли лот бўйича электрон протокол	"AXMED-LYUKS- KOMFORT" XK
4	Чирчик шаҳар Пушкин кўчасида жойлашган "Дустлик" қозонхонасига тегишли Ал-Бухорий кўчасидан ўтувчи 270 метр узунликдаги иссиқлик тармоқларини янгилаш	340,6	315,6	25,1	18,8	6,31	2022й	45274 03.06.2022	13.07.2022 й 116816 сонли лот бўйича электрон протокол	
	Жами	2 732,9	2 589,5	143,4	75,0	68,4				
	Тақсимланмаган лимит	474,6								
	Тошкент вилояти бўйича жами	3 207,4								

Тошкент вилояти
"Иссиқлик манбаи" ДУК қорхонаси
раҳбари

О.Очилов
" " 2022 й.

Қўш қондонли уйлари мукаммал ва жорий
ишлари давомида иссиқлик таъминоти объектларини
қурилиш бўйича лойиҳанинг қўшма шартномаси" ДУК Тошкент
вилояти ҳудудий бошқаруви бошлиғи
А.Ҳайдаров
" " 2022 й.

Тошкент вилояти Уй-жой коммунал хизмат
курсатиш бошқарма бошлиғи
С.Убайдуллаев
" " 2022 й.

Тошкент вилоят Молия
бошқарма бошлиғи
О.Холикулов
" " 2022 й.

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 121477 на приобретение «Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекти

Способ проведения электронный

Дата 22.07.2022

Время рассмотрения 20.07.2022 12:52

Конкурсная комиссия Куп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш хамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш буйича инжиниринг компанияси Тошкент вилояти худудий филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	UBAYDULLAYEV SARDOR SAGDILLAYEVICH	Бошыарма бошлиғи	Тошкент вилояти ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
Секретарь комиссии	SULTANOV ERKINJON GENJABAYEVICH	Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими	lost-9090@mail.ru
Член комиссии	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	“ Уйжойфондинспекцияси”нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси бошлиғи;	“ Уйжойфондинспекцияси”нинг Тошкент вилояти худудий инспекцияси
Член комиссии	MUXTOROV OYBEKJON ORTIQ O'G'LI	Директор	"SUPER PROJECTS CENTER" МЧЖ
Член комиссии	SHAKIROV ABDUMANON XALILOVICH	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси инспектори	Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси
Член комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LI	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали директори;	"КХУМВЖТХИТОҚ бўйича инжиниринг компанияси" Тошкент вилояти худудий филиали

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 22.07.2022 года № лота 121477.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Капитальный ремонт ,перекладка изношенных тепловых сетей
Подробное описание	123
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	334 855 595.00
Стартовая сумма	334 855 595.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли курилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) 3. Ишлаб-чиқариш техника бўлимида 5 йил иш стажига эга дипломли 2 та мутахассисни мавжудлиги. 4. Доимий равишда ишловчи 10 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги. 5. Ходимларнинг йиллик уртача сони 6. Мехнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ART REM STROY GROUP	16	100	16	Экспертная		
ООО BIG HOUSE INVEST	16	16	16	Экспертная		

Критерий №2 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига N (N- Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) 2. Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ART REM STROY GROUP	25	100	20	Экспертная		
ООО BIG HOUSE INVEST	25	25	20	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизмларини мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 2 та дан кам бўлмаган кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (лизинг шартномаси ёки ижара асосида) курилиш машина ва механизмларини мавжудлиги. 2. Лойиҳани бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ART REM STROY GROUP	15	100	15	Экспертная		
ООО BIG HOUSE INVEST	15	15	15	Экспертная		

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп 2. Муддати ўтган кредиторлик (Кредитдан) қарздорлиги мавжуд эмаслиги 3. Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги 4. Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ART REM STROY GROUP	21	100	10	Экспертная		
ООО BIG HOUSE INVEST	21	21	21	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ART REM STROY GROUP	334 855 595.00	331 507 039.00 UZS	331 507 039.00	00.00	331 507 039.00	19.07.2022 09:11:36	09.80
ООО BIG HOUSE INVEST	334 855 595.00	324 809 927.00 UZS	324 809 927.00	00.00	324 809 927.00	20.07.2022 09:48:53	10.00

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ART REM STROY GROUP	71.2989	9.8	81.0989
ООО BIG HOUSE INVEST	84.1554	10	94.1554

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 121477 от 22.07.2022 года на приобретение «Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр) капитал таъмирлаш» объекты определила победителем:

ООО BIG HOUSE INVEST
305732454

и резервный исполнитель: ООО ART REM STROY GROUP (306293329)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	MUXTOROV OYBEKJON ORTIQ O'G'LI	Согласен	
Председатель комиссии	UBAYDULLAYEV SARDOR SAGDILLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	AXMEDOV DONIYOR ZIYAVUTDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAYDAROV AZAMAT XUDOYBERDI O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚИЛИШ ПОЛИСИ

Мазкур Суғурта полисига (бундан буён - Полис) асосан Суғурталовчи, Полисда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, Суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Полисда белгиланган суғурта пули доирасида зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

Мазкур Полис, Полиснинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 2022 йил «18» августдаги 1208-8909/1/2200002-сонли «Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғурта қилиш» шартномаси доирасида тузилган.

- | | | |
|------|---|---|
| 1 | Суғурталовчи | “APEX INSURANCE” МЧЖ
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
20.04.2019 йилдаги СФ 00241-сонли Лицензияси
Юридик манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси,
154 А уй.
телефон: + (99871) 203 08 08, қисқа рақам 1188
Суғурталовчи тўғрисида батафсил маълумот ушбу
сайтда: https://apexinsurance.uz |
| 2 | Суғурта қилдирувчи | “BIG HOUSE INVEST” МЧЖ |
| 3 | Қурилиш объекти номи | « Тошкент вилояти Қибрай тумани Зебинисо
кўчасидаги иссиқлик тармоқларини (302 метр)
капитал таъмирлаш »» объекти |
| 5 | Суғурта ҳодисаси | Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар,
машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар,
материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда
суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва
монтаж буюмини ўзида ифодаладиган бошқа мол-
мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини
амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига,
соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилиши. |
| 6 | Суғурта пули | 324 809 927 (уч юз йигирма тўрт миллион
саккиз юз тўққиз минг тўққиз юз йигирма
етти) сўм |
| 6.1. | шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга
оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик
жавобгарлиги бўйича | |
| 7 | Суғурта мукофоти | 1 000 000,00 (бир миллион) сўм |

Полис 2022 йил 18 августда имзоланган ва 2023 йил 17 август соат 23:59 қадар амал қилади.
Суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур полиснинг 7 бандида кўрсатилган суғурта мукофоти ёки унинг қисми
тулангандан кейин юзага келади.

Суғурталовчи номидан:

Мамарахимов Н.Б
Ф.И.Ш. (мансаби)



18/08/2022 й.
сана

0246592

